Куч — адолатда

2015 йил
22 май,
жума
№ 20 (533)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишга, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришига мустаҳкам замин яратди. Аҳоли маънавиятини юксалтириш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги эзгу ишлар юртимизнинг порлоқ истиқболи учун хизмат қилмоқда.

ВАТАННИ СЕВМОҚ ВА АСРАМОҚ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

Давлатимиз раҳбари **"Юксак маънавият — енгилмас куч"** асарида таъкидланганидек, тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин. Бинобарин, бундай улуғ туйғу юртга садоқат билан хизмат қилишга, унинг тинчлигини асрашга, халқ манфаатларини таъминлашга даъват этади.

Мустақиллик йилларида юртимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик мустаҳкам қарор топди. Каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳр-оқибат туйғулари одамлар қалби ва шууридан мустаҳкам жой олди. Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, эл-юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Айниқса, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида ёши улуғ инсонларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш каби хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, бу йил Хотира ва қадрлаш куни "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида нишонлангани ушбу умумхалқ байрамининг аҳамиятини янада оширди. Зотан, хотира ўтганларни эслатиб туради, ўзликни англатади. Қадр инсонни улуғлайди, жамиятни безайди. Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу тамойиллар мужассам.

(Давоми иккинчи бетда)



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56 фоизга етди. 1991 йилда бу кўрсаткич бор-йўғи 1,5 фоиз бўлган. Бу давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан жамиятимизда тадбиркорлик муҳитини қарор топтириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар натижасидир.

Sharh

Тадбиркор энди текширишдан азият чекмайди

Бугунги кунда хусусий сектор нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, фаровонликка эришишнинг муҳим омилига айланди. Зеро, тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бозорларимиз тўкинлигини таъминлаш билан бирга давлатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам салмоқли улуш қўшмоқда.

— Тадбиркорларнинг сафи кенгайиб бораётгани, иқтисодиётдаги ҳиссаси жадал ўсаётгани уларнинг эркин фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилаётгани туфайлидир, — дейди Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши котиби Эркин Жўраев. — Аввало, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тизими тубдан такомиллашди. Бир пайтлар текширувчи келса, тадбиркорнинг кайфияти бузилиши аниқ эди. Чунки ўз меҳнати билан даромад топаётган, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, иши ривожланаётган тадбиркорга "кўз олайтирадиган" кимсалар кам эмасди.

Президентимизнинг 1996 йил 8 августдаги "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонига асосан хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилаётган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби жорий этилгани шу йўналишда учраётган муаммоларга барҳам беришга замин яратди. Бу билан назорат қилувчи идораларнинг истаган пайтда хоҳлаган корхонада текшириш ўтказиш амалиётига чек қўйилди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгаши ва жойларда унинг ҳудудий комиссиялари ташкил этилди.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш йўлида

Президентимиз раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда муҳим омил бўлмоқда. Инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган миллий қонунчиликнинг такомиллаштириб борилиши жамиятимизнинг янада демократлашуви ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди томонидан "Жиноят ва маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш: ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари" мавзусига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференцияда бу алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари, жиноят ишлари бўйича вилоят, туман ва шаҳар судлари судьялари, прокуратура, ички ишлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамда адвокатура идоралари ходимлари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган мутлақ янги концепция ишлаб чиқилгани қайд этилди.

Судларнинг ихтисослаштирилиши натижасида жиноят ишлари бўйича судларнинг зиммасига жиноят ишларини кўриш, ҳукм ижроси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш баробарида айрим тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриш ваколати ҳам юклатилган. Бу эса, судьялардан маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни ўз вақтида ўрганиб, амалиётга тўғри татбиқ қилиб боришни талаб этади.

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қабул қилинганидан буён давр талабларидан келиб чиқиб, унга 60 дан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, — дейди жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг суд амалиёти ва статистикаси таҳлили бўлими бошлиғи Учқун Рўзиев. — Улар мазмунини чуқур англаш ва ҳаётга татбиқ қилишда ягона амалиётни шакллантириш жуда муҳим. Бу жараёнда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўзаро фикр алмашиши алоҳида аҳамият касб этади.

Конференцияда, шунингдек, амалиётчи ходимлар соҳа қонунчилигини қўллашда юзага келаётган айрим тушунмовчилик ва ноаниқликлар хусусида тўхталиб, уларни бартараф этиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди.

Эркин ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:
Касимов Ихтияр Уралович
Расулбердиев Умиджон Ўринбоевич
Тангабаев Бахром Абдувалиевич
Туланов Махаматиброхим Азимович.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **Н.ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 16 май

Qonun mohiyati

Маҳалла - хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази

Бугунги кунда юртимизда хусусий тадбиркорлик, айниқса, оилавий бизнес фаолияти ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига айланиб бормоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади.

Кейинги даврда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш мақсадида янги таҳрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Рақобат тўғрисида", шунингдек, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Бунинг натижасида оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилиши учун кенг шароитлар юзага келди.

(Давоми учинчи бетда)

Мустақиллик йилларида юртимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Инсон ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган ушбу демократик миллий ва умуминсоний тамойил Конституциямизда мустаҳкам кафолатлаб қўйилган.

Transmilliy jinoyatchilik

Инсон ҳуқуқлари муқаддас

унга дахл қилиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

Айни вақтда инсонни ўзига тегишли бўлган барча ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари, шу каби қонуний манфаатларидан маҳрум этувчи трансмиллий жиноятчилик тусини олган одам савдоси жинояти ўта долзарб муаммо эканлиги билан дунё жамоатчилигида хавотир уйғотмоқда. Зотан, инсоннинг эркинлиги, тенглиги, шахсий дахлсизлигига путур етказадиган, турли хўрлик ва камситишларга дучор этадиган бу жиноят ҳар бир кишининг қалбида ташвиш туғдириши табиийдир.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, никоҳ ёшига етмаган шахс билан оила қуриш жавобгарликка сабаб бўладими?

В.ШАМИЛОВА,
Тошкент шаҳри, Миробод тумани

— Аввало шуни айтиш керакки, мамлакатимизда никоҳ ёши Оила кодексининг 15-моддасига мувофиқ, эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Энди сизнинг саволингизга тўхталадиган бўлсак, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47[3]-моддасига асосан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш — энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаро мансабдор шахснинг талабига кўра, пора бериб, сўнг қилмишидан пушаймон бўлиб, арз қилса, у жавобгарликдан озод қилинадими?

К.ЎРМОНОВ,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Жиноят кодексининг 211-моддасига мувофиқ, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Амалдаги қонунларимизда ов қилиш қоидаларини бузган шахсга нисбатан қандай жавобгарлик белгиланган?

М.ЙЎЛДОШЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани

— Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 90-моддасига асосан, ов қилиш, балиқ тутиш ёки балиқ захираларини муҳофаза этиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса, икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсати бўлмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан ов қилиш ёки балиқ тутиш, шунингдек, ов қилиш ёки балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини мунтазам равишда бузиш — шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Ёш болали аёлларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари қанча муддатга тайинланади?

З.ШАВКАТОВ,
Фарғона вилояти, Учкўприк тумани

— Жиноят кодексининг 46-моддасига мувофиқ, ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд томонидан ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддати худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштирилади.

Мен бир кичик корхона билан дўконимга нон маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида шартнома тузган эдим. Унда шартноманинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган эди. Яқинда корхона эгаси шартноманинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган деб, маҳсулот етказиб беришни тўхтатиб қўйди. Унинг бу хатти-ҳаракати тўғрими?

М.БЕРДИҚУЛОВ,
Андижон вилояти, Хўжаобод тумани

— Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида унинг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлса, шартнома бир йилга тузилган деб ҳисобланади.

Агар узоқ муддатли шартнома етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдори ёки шартноманинг бошқа шартлари бир йилга ёки ундан ортиқ муддатга белгиланган бўлса, шартномада тарафларнинг бу шартларни шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар кейинги даврлар учун келишиб олиш тартиби белгиланиши лозим. Шартномада бундай тартиб бўлмаса, шартнома тегишинча бир йилга ёки шартнома шартлари келишилган муддатга тузилган ҳисобланади.

Саволларга Олий суд катта консультанти Абдулазиз РАЗЗОҚОВ жавоб берди.

E`tirof

Ватанни севмоқ ва асрамоқ муқаддас бурчимиздир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу ҳақда сўз юритганда, аввалам-бор, бугун сафимизда бўлиб, ҳар қадамда бизни қўллаб-қувватлаб келаётган фахрийларимизни, фронт ортида ўзини аямасдан меҳнат қилган ватандошларимизни қадрлаш, эъзозлаш, ҳолидан хабар олиш барчамизнинг энг олижаноб бурчимиз эканини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбари шу йил 9 май куни Хотира майдонида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда алоҳида қайд этганидек, бешафқат урушда, жанг майдонларида қурбон бўлган ота-боболаримиз қандайдир тепалик ёки қандайдир "улуғ доҳий" учун эмас, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон берган, "Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор кўрсам", деб ҳаётдан кўз юмган. Мана шундай ўз юртини севиш, бетакрор она Ватанига садоқатли бўлиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатдир.

Шу маънода, Президентимиз ибораси билан айтганда, "Истиқлол даврида туғилиб вояга етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ куни учун бутун борлиғини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши — буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айлангани ҳаммамизга ишонч ва кучқувват бағишлайди".

Айни чоғда, бугун шиддат билан ўзгариб, тобора кескинлашиб бораётган дунёда, турли мамлакатларда рўй бераётган воқеалар, вазият хатарли тус олаётгани барчамиздан доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишни талаб қилмоқда.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда босиб ўтган тараққиёт йўли, бу йўлда қўлга киритилган, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинаётган ютуқ ва марраларимизга қандай синов ва машаққатлар эвазига эришилганини юртдошларимиз яхши англайди. Энг муҳими, Юртбошимиз айтганидек, барчамизнинг бошлаган ишларимизнинг давомчиси бўлган, барча масъулиятимизни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фарзандларимиз — ёшларимиз, янги авлодларимизга равон йўлларни очиб беришга эътиборни янада кучайтиришимиз зарур ва уларни ҳар қандай бало-қазолардан асрашимиз керак.

Давлатимиз раҳбари тинчлик-осойишталик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни изчил ривожлантириш, инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари ҳақида сўз юритиш асносида, яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" мавзусида ўтказилган тадқиқот натижаларига ҳам эътиборни қаратди.

Ушбу тадқиқотга кўра, Ўзбекистон "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингида 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса, биринчи ўринни эгаллаган.

Мазкур ҳисобот (World Happiness Report — Жаҳон бахт ҳисоботи) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли муассасаларнинг статистик маълумотлари ва ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида тузилган.

Маълумотларга қараганда, 2012-2014 йилларни қамраб олган бу галги рейтингда ҳаёт фаровонлигини таъминлайдиган энг муҳим соҳалар бўйича қиркдан ортиқ параметрлар қиёсий таҳлил қилинган. Уни тайёрлашда иқтисодиёт, сиёсат, психология, статистика, соғлиқни сақлаш, жамиятшунослик соҳаларида иш юритувчи мутахассислар, таҳлилчилар ҳамда мустақил экспертлар иштирок этган.

Лойиҳа раҳбари, Колумбия университетининг Ер институти директори Жеффри Сакснинг таъкидлашича, бахтли мамлакатлар рўйхати уларнинг иқтисодий салоҳияти, фаровонлик даражаси ва фуқароларнинг ўз ҳаётидан мамнунлигига қараб белгиланган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори, ижтимоий ҳимоя даражаси, оилалар мустаҳкамлиги, умр давомийлиги, шахс эркинлиги, жамиятдаги хайр-саховат ва ҳамжиҳатлик, аҳолининг мамнунлигини ўрганиш бўйича ўтказилган сўров натижалари инобатга олинган.

Ўзбекистон бахтли мамлакатлар рейтингида юқори ўринлардан бирини эгаллагани бежиз эмас. Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти, халқимиз турмуш даражаси ва ҳаёт сифати мазкур мезонларга тўла мос келади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу рейтингда Ўзбекистондан юқори ўринларда ёки бир сафда қайд этилган давлатларнинг мустақил бўлганига 100-200 йилдан ошган. Мамлакатимиз бу даражага тарих олдида кўз очиб юмгунча бўлган вақтда — 23 йилда эришди.

Бугунги кунда жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсири давом этаётганига қарамасдан, саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари кейинги ўн йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани ривожланган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда.

Мамлакатимиз жадал ривожланаётгани, халқимиз фаровонлиги ошиб бораётгани шаҳару қишлоқларимиздаги ободликда ҳам намоён. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар Ватанимиз чиройига чирой қўшмоқда.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 75,8 ёшга етди. Юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук кексалар умргузаронлик қилмоқда.

Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Бунга эса, тинчлик-осойишталик туфайлигина эришиш мумкин. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон ўз мақсадларини амалга ошира олади, ҳаётидан рози бўлиб яшайди. Мамлакатимизда ана шундай муҳит барқарор. Одамлар қалбида хотиржамлик, уйқусида ҳаловат бор.

Хулоса қилиб айтганда, тинчлик-осойишталик самарасида мамлакатимиз изчил тараққий этмоқда.

Ўз навбатида, "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтинги мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётганининг ўзига хос халқаро эътирофи бўлди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, буларнинг барчаси кўпни кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан яшаётган, иродаси бақувват, иймони бутун халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонатининг натижасидир.

Шуҳратжон ХАЙДАРОВ,
Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчиси
Бобомурод РАЙИМОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Maslahat

Судланганлик ҳолати

у қандай тартибда бекор қилинади?

Аввало, судланганлик ҳолати ҳақида гапирадиган бўлсак, Жиноят кодексининг 77-моддасида таъкидланишича, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс эса, судланмаган саналади.

Судланганлик ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 79-моддасига мувофиқ, агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра, суд ушбу Кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ушбу кодекснинг 178-184, 185-185[2], 189-192-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп зарар етказмаганда, ушбу кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида тўртдан бир қисми ўтганидан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Судланганлик афв этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

Абдулла АЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Когон тумани судининг раиси

Transmilliy jinoyatchilik

Инсон ҳуқуқлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Негаки, ушбу мудҳиш жиноий фаолият ортида оғир меҳнат, шафқатсиз муомала, замонавий қуллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш, тан сотишга мажбурлаш сингари қабиҳ қилмишлар ётади.

Мамлакатимизда трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш бўйича аввало қонунчилик, ташкилий-маъмурий ва маърифий йўналишларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада халқаро ҳамкорликда кенг кўламли ва самарали ишлар олиб борилмоқда.

Энг муҳими, юртимизда бундай иллатга қарши курашишга доир умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилган. Бу ҳақда тўхталганда, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича олтмишдан ортиқ халқаро ҳужжатга қўшилгани, БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома иштирокчиси эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, жумладан, одам савдосига қарши курашишга қаратилган кўплаб шартномалар имзоланган ва келишувларга эришилган.

Шунингдек, 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун муҳим аҳамият касб этди. Ўз навбатида, 2008 йил 8 июлда Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилингани бу соҳада бажарилиши лозим ўта муҳим вазифаларни белгилаб берди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ташкил этилгани ҳам бевосита ушбу дастурий қарор ижроси билан боғлиқдир.

Қисқаси, мамлакатимизда одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Бундай қилмишга қўл урган кимсаларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда.

Аммо ҳаётда бундай қабиҳ қилмишга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради. Буни Гулноза Амиржонованинг (исм-шарифлар шартли) қилмишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки, бир оиланинг гулдек бекаси бўлишга муносиб Гулноза нопок йўлга қадам босди. Оқибатда ҳомиладор бўлиб қолди. У бир пайтлар оиласидан ажрашган Жуманазар Ўтаназаровни боланинг отаси деб ҳисоблайди.

Қизининг ранги-рўйидаги ўзгаришларни сезиб қолган она чора ахтаради. Маҳалла, қўни-қўшни олдидаги шармандаликдан қутулиш учун Гулнозани олис қишлоқда яшовчи укасиникига жўнатиб юборади. У бола туғилгунга қадар икки ой тоғасиникида яшайди.

Орадан кўп ўтмай ўғил фарзанд туғилди. Шундан сўнг бу гумроҳлар яна бир жиноий қилмишга қўл уришди. Яъни Гулнозанинг аммаси Вазира, янгаси Камола ва Жуманазар чақалоқни бирон кишига сотишни режалаштиришди.

Хуллас ўтган йилнинг 10 май куни ўзларининг хомхаёлига алданган кимсалар чақалоқни 400 АҚШ долларига сотаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди. Чақалоқ болалар уйига топширилди.

Суд судланувчилар — Гулноза Амиржонова, Вазира Диёрова, Камола Ахтамова ва Жуманазар Ўтаназаровни Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор топиб, қилмишларига яраша қонуний ва адолатли жазо тайинлади.

Энди иккинчи мисолга тўхталамиз. Муҳайё Ҳакимжонова аслида қўшни республикада туғилган, ҳозирда Сардоба туманида доимий рўйхатда туриб, шу ерда яшайди. У оилали, бир нафар фарзанднинг онаси. Муҳайё ўзи туғилиб ўсган қўшни республикага, қариндошларникига тез-тез бориб турарди.

Qonun mohiyati

Маҳалла – хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айниқса, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур қонунда бизнеснинг янги тури — оилавий бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли белгилаб қўйилди. Қонуннинг 3-моддасида оилавий тадбиркорлик тушунчасига оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир, деб таъриф берилди.

Айниқса, бу борада Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор йўналиш ва вазифалар муҳим аҳамиятга эгадир. Концепцияда, жумладан, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш вазифаси кун тартибига қўйилди.

Шу асосда янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддаси айнан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашишини назарда тутади. Қонунга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказлари ташкил этишга ҳақли.

Айтиш керакки, маслаҳат марказлари юридик шахс бўлмайди. Маслаҳат марказлари фаолияти билан боғлиқ харажатлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағлари ҳисобидан, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

Давлат органлари маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашади, маслаҳат марказлари ўз вазифаларини амалга ошириши учун фуқаролар йиғинларига белгиланган тартибда бинолар беради.

Маслаҳат марказлари, аввало, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган, тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосларини ўргатиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этади. Шунингдек, фуқароларга қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун белгиланган имтиёз ва преференциялар ҳақида маълумот беради.

Шунингдек, маслаҳат марказлари бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ёшларнинг тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга жойлашишига, уларнинг ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, ҳунармандларга бириктирилишига кўмаклашади.

Маслаҳат марказлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари, тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларига, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, преференциялардан фойдаланишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида кредит олиш учун ҳужжатлар тайёрлашда ёрдам беради.

Маслаҳат марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин. Маслаҳат маркази тўғрисидаги низом фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Оилавий бизнес: ривожланишнинг янги босқичи" мавзуида ўтказилган сўровнома натижаларига қараганда, бугун мамлакатимизда ҳар тўрт оиладан бири оилавий бизнес билан машғул. Яъни ҳар уч оиладан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирмоқда, ҳар олти оиладан бири савдо соҳасида меҳнат қилмоқда, ҳар саккиз оиладан бири ҳунармандчилик ҳамда кундалик эҳтиёж товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

Ушбу ижтимоий сўров қатнашчилари ўз оилавий бизнесини амалга оширишга ёрдам бераётган мавжуд шарт-шароит ва қоидаларни ижобий баҳолаган.

Албатта, буларнинг барчаси иқтисодиёт соҳасида изчил амалга оширилаётган ана шундай чора-тадбирлар ўзининг юксак самарасини бераётганидан далолатдир. Шу нуқтаи назардан, 2014 йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилгани алоҳида диққатни тортади. Чунки бу — ўтган йили юртимизда яратилган жами иш ўринларининг ярми, демакдир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди.

Ана шу рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиз ривожида алоҳида ўрин тутмоқда. Натижада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш ҳамда соҳага аҳолини кенг жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Шу ўринда Президентимизнинг 2012 йил 10 майда қабул қилинган "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори ҳақида тўхталиб ўтиш айни муддао, деб ҳисоблаймиз. Чунки ушбу қарорда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, авваламбор, қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асосида мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш кўзда тутилган.

Мазкур қарорга мувофиқ, 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб:

- қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойафзал маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга;

- қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда ташкил қилинаётган корхоналар хизматларини кўрсатадиган микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тегишли равишда ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнес марказига айланаётганлигидан далолат беради.

Бунинг натижасида қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастури доирасида 2014 йилда 11 мингта янги турaржойлар барпо этилди. Бу, ўз навбатида, жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда юртимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш масаласи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу ҳақда сўз борганда, аҳоли, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида фуқаролар йиғинларида маиший хизмат кўрсатиш, автосервис ва бошқа йўналишлардаги шохобчаларнинг ташкил этилаётгани ўзининг кутилган самараларини бераётганини таъкидлаш даркор.

Ўтган йили юртимиз маҳаллаларида 34 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ташкил этишда, уларда 112 мингдан зиёд янги иш ўринларини яратишда кўмаклашилгани ҳам фикримизнинг яққол исботидир. Жумладан, 39 мингдан ортиқ хотин-қиз ва 34 мингдан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланди.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, янги таҳрирдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги иштирокига доир нормаларни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Бунинг натижасида айнан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг бандлигини таъминлаш, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратишнинг ҳуқуқий асоси янада кучаяди.

Зафар РЎЗИЕВ,
юридик фанлар номзоди, доцент

Sharh

Тадбиркор энди текширишдан азият чекмайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бугунги кунда давлат назоратини амалга оширишга ваколатли органлар томонидан ўтказилаётган текширишларнинг барчаси мазкур Кенгаш тасдиқлаган режа-жадвал асосида ҳамда баъзи ҳолларда қонунчиликда белгиланган тартибда Кенгаш рухсатига биноан режадан ташқари амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг тартибга солиниши баробарида текширишлар сони йилдан-йилга қисқартирилмоқда. Хусусан, 2009 йилдан кейинги даврда режали тартибда текширилаётган корхоналар салмоғи улар умумий сонининг 1 фоизидан ошмаяпти.

Айтиш жоизки, текширишларнинг камайиши тадбиркорларнинг вақтини беҳуда олиш, кайфиятига салбий таъсир кўрсатиш каби ҳолатларга барҳам бериб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун янада кенгроқ имконият яратаётир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Мазкур ҳужжатда тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш масалалари билан бир қаторда тадбиркорлар фаолиятига аралашувларни янада чеклашга қаратилган меъёрлар қабул қилинди. Жумладан, фармонга мувофиқ, 2015 йил 1 июлдан эътиборан хўжалик юритувчи субъектларда режали текширишлар даврийлиги ва муддатлари, қўзғатилган жиноий ишлар бўйича текширишлар ўтказиш тартибига ўзгартишлар киритилди. Фармоннинг 2-бандига кўра, барча назорат органлари учун режали текширишлар даврийлиги бирхиллаштирилди. 2015 йил 1 июлдан бошлаб назорат қилувчи органлар томонидан микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолиятидаги барча режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларида эса кўпи билан уч йилда бир марта Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарори асосида амалга оширилади.

Маълумки, режали текширишларни ўтказиш даврийлиги бўйича шундай тартиб ҳозиргача фақат тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти бўйича ўтказиладиган текширишлар учун белгиланган эди. Бошқа назорат органлари учун ҳар хил режали текширишлар даврийлиги белгиланганлиги сабабли 2011-2015 йилларда 136 субъектда икки мартадан, 58 субъектда уч мартадан турли назорат органлари томонидан режали текширишлар ўтказилган.

Белгиланган янги меъёр тадбиркорлик субъектларини турли назорат органлари томонидан ҳар йили ёки икки йилда бир марта режали текшириш ўтказишини чеклади.

Тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, яъни бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни ўрганишни талаб этмайдиган режали текширишлар муддати 10 календарь кунидан ошмаслиги белгиланди. Бу билан молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишларни ўтказиш муддати уч бараварга қисқартирилди.

Чунки амалдаги қонунчиликда барча текширишлар учун 30 кунлик муддат белгиланган, лекин назорат органлари томонидан 2014 йилда ўтказилган текширишларнинг 80,1 фоизи 10 кунгача бўлган муддатда якунланган. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги меъёр белгиланди.

Бундан ташқари, фармонда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишларда фақатгина охирги текширувдан кейинги давр қамраб олиниши ҳам аниқ белгилаб қўйилди.

Адолатлилик принципини таъминлаш мақсадида кўзғатилган жиноий ишлар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги текширишларда эндиликда адвокат мажбурий равишда иштирок этиши жорий этилди (хўжалик юритувчи субъект томонидан ушбу ҳуқуқнинг рад этилиши ҳолатлари бундан мустасно). Бу ҳам текшириш жараёнида уларнинг ҳуқуқлари таъминланиши кафолатини янада мустаҳкамлайди.

Ҳозирги кунда мазкур фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Кенгаш тасдиқлаган 2015 йил текширишлар режа-жадвалининг июль-декабрь ойларига тегишли қисми қайта кўриб чиқилмоқда. Тегишлича охирги режали текширишларига 3 ва 4 йил тўлмаган субъектларни режа-жадвалдан чиқариш, шунингдек, қабул қилинган янги меъёрлар асосида текширишларни тартибга солишга доир амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг такомиллаштирилаётгани, айниқса, кичик бизнес субъектларидаги текширишлар янада қисқартирилаётгани соҳа вакилларининг манфаатларига хизмат қилади. Бу халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Mezon

Суғурта шартномаси

етказилган зарарни қоплашнинг муҳим кафолатидир

Истиқлол йилларида аҳолининг барча қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, табиий офатлар ва кўнгилсиз ҳодисалар юз берган тақдирда зарар кўрган шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, талофатлар ва мулкий зиёнлар ўрнини қоплашнинг самарали тизими амалга жорий этилди.

Аниқроқ айтганда, бугунги кунда мамлакатимиз молия тизимида ғоятда муҳим ўрин тутаётган суғурта институтининг афзалликларини англаб етган аксарият юртдошларимиз унинг имкониятларидан кенг фойдаланмоқда.

Айтиш жоизки, суғурта — манфаатдор ташкилотлар ва фуқаролар бадаллари ҳисобидан ташкил топган, махсус ташкилот (суғурталовчи) бошқарувида бўлган пул фондини вужудга келтириш ва тақсимлаш шакли бўлиб, унга асосан суғурта қилдирувчиларнинг мулкий ёки бошқача талофатлари ва зиёнлари ўрнини қоплашга йўналтирилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

муқаддас

унга дахл қилиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

У 2008 йилнинг октябрь ойида тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган хорижлик "Шуҳрат, Шавкат, Абдусалом" исмли шахслар билан одамни ёллаш, ташиш, топшириш ва қабул қилишдек жиноятни содир этишга ўзаро жиноий тил бириктиради.

Шундан сўнг М.Ҳакимжонова Сардоба туманига қайтиб келиб, жиноий режасини амалга оширишга киришади. У шу туманда яшовчи Г.Баҳромова, Н.Солиева, Д.Ғаффорова, Сирдарё шаҳридан С.Тоғаева ва унинг вояга етмаган синглиси Г.Тоғаевани хорижда ресторан, бар ва бошқа савдо, овқатланиш шохобчаларида даромадли иш топиб беришини айтиб, аврайди. Сўнг уларни Наманган вилояти ҳудуди орқали қўшни республикага олиб ўтади ва жиноий шериклари топширади. Шериклари эса, уларни Бишкек шаҳар аэропортидан самолётда Бирлашган Араб Амирлигига учириб юборишади.

Дубай аэропортида Г.Баҳромова, Н.Солиева, Д.Ғаффорова, С.Тоғаева ва Г.Тоғаевани "Азиза, Зарифа ва Сайёра" исмли аёллар кутиб олишади. Ижарадаги уйга жойлаштириб, қўлларидан фуқаролик паспортларини олиб қўйишади. Шундан сўнг уларни тубан иш қилишга мажбурлашади. Шу тариқа йўқ бойликка учган бу фуқароларнинг бошига хўрланиш ва камситилиш каби савдолар тушган.

Биринчи босқич суди Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбланган судланувчи М.Ҳакимжоновани беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарди. Унга нисбатан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми амнистия актига асосан учдан бирига қисқартирилди.

Юқорида тафсилотлари қисқача баён этилган ҳар икки мисолдан ҳам кўриниб турибдики, одам савдоси жиноятини содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Лекин масаланинг бошқа жиҳати кишини мушоҳадага ундайди.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, ноқонуний йўл билан хорижга ишга борганларнинг бирортаси бойиб кетмаган. Умрини беҳуда ўтказиб, оғир хасталик орттириб, уйга қуппа-қуруқ қайтганлари жуда кўп. Негаки, ҳеч қаерда осон йўл билан катта маблағни бировнинг қўлига тутқазиб қўядиган ҳотамтой йўқ. Аксинча, ёлғон-яшиқ гапларга ишониб саробга йўлиқиш, турли азоб-уқубат ва таҳқирларга дучор бўлиш бор гап.

Хуллас, мамлакатимизда трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш соҳасида мустаҳкам қонун механизми ишлаб турибди. Кимки қонунга таяниб иш тутса, асло хато қилмайди. Ўзи яхши танимаган, мутлақо кўрмаган-билмаган одамнинг алдовига ишониш ва бундай "ҳотамтой"ларнинг қўлига ўз паспортидан тортиб бутунлай инон-ихтиёрини топшириб қўйишнинг оқибати эса, хабардор бўлганингиздек, яхшилик билан тугамайди.

Қодирберган ЯХШИМУРАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси

Jinoyat va jazo

Тунги шарпалар

Кун узоғи югур-югурдан қаттиқ толиққан Ботир (исм-шарифлар ўзгартирилди) кечки овқатдан сўнг дарров ухлаб қолди. Фақат у туннинг алламаҳалида уйғониб кетди-ю, чайладан ташқарига чиқди ва моллари жойида йўқлигини кўриб, бирдан ҳушёр тортди.

Кеча кечки пайт арпа ўримидан бўшаган майдоннинг бир четида ўн бир бош қорамолини қозиққа боғлаб қўйганди. Ана шу қорамоллар жойида йўқ эди. Ботир шошапиша полиз томонга ўтди. У ерда икки бош қорамол кавш қайтариб ётарди. Ботир яна йўқолган молларни излашга тушди. Чайласи яқинида яшовчи Санжар билан Салоҳиддин акани ҳам воқеадан хабардор қилди. Улар ҳам шоша-пиша молларни қидиришга тушишди.

Лекин ҳеч қаердан молларнинг қораси кўринай демасди. Молларни ким ўғирлаб кетган бўлиши мумкин?! Шу тобда Ботир ўйлаб ўйига етолмасди. Шундан сўнг у отаси Шодмонали акага қўнғироқ қилиб, ҳовлиққанча рўй берган воқеани гапириб берди. Бу ўғирлик 2013 йилнинг 16 август куни содир этилган эди.

Хуллас, ўша кун Шодмонали ака рўй берган жиноят ҳақида туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

Донолар дейдиларки

Инсоннинг фазилати фавқулодда жасоратлар билан эмас, балки унинг кундалик ишлари билан ўлчанади.

* * *

Билмаганингни ҳамма вақт ҳам гапиравермa, аммо гапираётганингни ҳамма вақт бил.

* * *

Ёшлик ҳамиша фидойиликдир.

* * *

Тажриба — йўлингдаги нурафшон шамчироқ.

* * *

Ўзгаларга бирон нарса дейишдан аввал, ўзингга айтиб кўр.

* * *

Тана учун кўркамлик қанчалик зарур бўлса, ақлга ҳам нафислик шу қадар зарур.

* * *

Камчиликларимизни тўғрилаб, хатоларимизни тузатсак — энг юксак бахт шу.

* * *

Ҳар қандай ташқи одоб ўзининг ички пойдеворига эга.

* * *

Инсонда ҳамма нарса: юз ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам, фикр ҳам гўзал бўлиши лозим.

Mezon

Суғурта шартномаси

етказилган зарарни қоплашнинг муҳим кафолатидир

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Мамлакатимизда Фуқаролик кодекси, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида", "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида", "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида", "Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида"ги қонунлар суғуртага оид кенг қамровли муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилмоқда.

Айтиш керакки, суғурта муносабатлари шартнома тузиш орқали амалга оширилади. Суғурта шартномаси ёзма равишда тузилади, Унга кўра, суғурта ташкилоти кўзда тутилган суғурта ҳодисаси (воқеаси) юз берганида суғурталанувчига ёки суғурта пулини олишга ҳақли бўлган бошқа шахсга етказилган зарарни қоплаш ёхуд суғурта пулини тўлаш мажбуриятини, суғурталанувчи эса, белгиланган муддатда суғурта тўловларини (суғурта мукофотини) тўлаш мажбуриятини олади.

Суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган вақтдан эътиборан кучга киради. Шунингдек, шартномада шартлашилган суғурта шартномаси кучга кирганидан сўнг юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

Суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, суғурта турларининг кўпайиши натижасида суғурта шартномаси билан боғлиқ низоларнинг сони ҳам ортиб бормоқда.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, даъвогар А.Набиев жавобгар суғурта компаниясидан экспертиза хулосасида аниқланган 3 944 894 сўм суғурта қопламасини ва маънавий зарар ундиришни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорига асосан, даъвогарнинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, унинг фойдасига жавобгар суғурта компаниясидан 30.000 сўм моддий зарар ундирилган, даъвонинг қолган қисми рад қилинган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, даъвогар А.Набиев кредит шартномасига асосан тижорат банкидан 28 миллион сўм кредит олиб, Б.Мўминовга тегишли бўлган уйни сотиб олган ва ушбу уйни кредит таъминоти сифатида гаровга қўйган. Ушбу уй-жойни суғурта компанияси билан тузилган суғурта шартномасига асосан 15 йил муддатга суғурталаб, суғурта полисини олган.

Мазкур суғурта шартномасининг 3.1.3-бандига кўра, куя, зараркунандалар, яширин нуқсонлар, моғорлаш, ҳаводаги намлик, обҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши, ер ости сувлари таъсири натижасида молмулкнинг зарарланиши, бузилиши ёки нобуд бўлиши натижасида юзага келган зарарлар қопланмаслиги, даъвогар эса, ушбу ҳолатларга рози бўлиб, шартномани имзолаганлиги аниқланган.

Қиш мавсумининг қаттиқ келганлиги ва ҳаддан ташқари кўп бўлган ёғингарчилик оқибатида суғурталанган уйнинг пойдевори чўкиб, деворларига шикаст етган. Бироқ бундай ҳолатда зарар тўланиши ҳолати тарафларнинг тузган шартнома шартларида кўзда тутилмаган. Суд шуни инобатга олиб ҳамда гидрометеорология марказининг маълумотномасига асосан хавфли метеорологик ҳодиса рўй бермагани сабабли даъво талабларини қаноатлантирилмасдан қолдирган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, суғурта соҳасига оид қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя этиш бозор иқтисодиётининг асосий бўғинларидан бири бўлган суғурта фаолиятини янада ривожлантиришга, суғурта хизматлари бозорининг кенгайишига, фуқаролар ва юридик шахсларнинг манфаатларини суғурта хизматлари орқали ҳимоя қилишни кучайтиришга хизмат қилади.

Ҳ.ЁРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судининг судьяси

Jinoyat va jazo

Тунги шарпалар

Суд очерки

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

* * *

Ғуломжон Ҳошимов хорижга ишга бориш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириб, 2013 йилнинг 11 март куни жўнаб кетганди. Роппа-роса етти ой ўтгандан сўнг у уйга қайтаётгани ҳақида хабар берди. Хотини Манзура ўғли Шербек билан Тошкентга бориб, уни кутиб оладиган бўлишди.

Ярим тун, соат йигирма тўрту ўттизларда она-ўғил машинада Тошкентга жўнаб кетишди. Ғуломжон, Манзура ва Шербек уйга қайтиб келганларида кун аллақачон ёйилиб кетган, соат миллари тўққизни кўрсатаётганди. Бироқ улар дарвозага катта қулф осилганини кўриб, ҳайрон қолишди. Чунки кеча оқшом Манзура опа эрини кутиб олиш учун Тошкентга кетаётиб, қўшниси Гулбуви опани бошлаб чиққан ва шу ерда тунаб қолишини илтимос қилганди.

Бироқ Манзура ўғли билан жўнаб кетишгач, бегона уйда Гулбуви опанинг уйқуси қочади. У ярим тунда ташқарига чиқса, ҳовлининг тўридаги молхонада моллар кўринмайди. Буни кўриб, ҳуши бошидан учган Гулбуви опа Манзуранинг қизи Райҳонани уйқудан уйғотиб, воқеани шоша-пиша айтиб беради. Шундан сўнг улар молхона томонга боришади. Ҳақиқатан ҳам, икки бош — нархи 6 миллион сўмлик қорамолни кимдир ўғирлаб кетганди.

Ғуломжон, Шербек ва Манзуралар уйга келган пайтда Райҳона дарвозани қулфлаб ички ишлар бўлими ходимлари билан бирга ўғирланган уй ҳайвонларини Сирдарё ва Ховос туманлари бозорларидан излашаётганди.

* * *

Сардоба пахта тозалаш корхонасида ишлайдиган Тўлқин Келдиёров кечки пайт молларнинг жойида йўқлигини кўриб, аввалига ажабланди, сўнг арқони бўшалиб кетган, деган ўйда атрофни кўздан кечирди. Аммо сигирларнинг ҳеч қаерда қораси кўринмасди. Шундан сўнг у укаси Ёқубжонга қўнғироқ қилиб, юз берган воқеани айтиб берди. Бир зумда етиб келган Ёқубжон ҳам акаси билан бирга сигирларни излашга тушди.

Бир чоғ Тўлқиннинг қўл телефонига ҳамқишлоғи Соня исмли аёл қўнғироқ қилди ва уларга сигирлар топилганини айтиб, уйига тезда етиб келишни тайинлади. Кутилмаган хабарни эшитган Тўлқин ва укаси тезда айтилган манзилга етиб боришди. Ҳақиқатан ҳам, сигирлар топилган, аммо улар жароҳатланган, оёқларидан қон оқиб турарди. Буни кўриб, Т.Келдиёров баттар ҳайратга тушди, аммо ким жониворларга бунчалик озор берганига сира ақли етмади. Аслида эса, жиноий гуруҳ аъзолари Т.Келдиёровнинг молларини ўғирлаб кетишаётганида сигирлар машина тўсиғига қаттиқ урилиб жароҳат олганди. Шундан сўнг жиноятчилар одамларнинг назарига тушишдан қўрқиб, молларни йўлда қолдириб кетишган эди.

* * *

Шамсиддин Бердибеков "Зомин" фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат акадан ўзининг уч бош қорамолини хўжалик даласида боқишга рухсат беришини сўрайди. Шуҳрат ака ҳам унга розилик беради. Эртаси куни Шамсиддин фермер хўжалиги чўпони Илҳом акага молларини топширади.

Даладаги юмушларини бажариб, уйига келган Шамсиддинга Илҳом ака ташвишли оҳангда кўнғироқ қилиб, уч бош қорамолни кимдир ўғирлаб кетганини, шуларнинг биттаси унинг хўкизи эканини айтади. Шундан сўнг Шамсиддин зудлик билан туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилади.

Шамсиддин воқеа содир бўлган жойга етиб келганида ички ишлар бўлими ходимлари суриштирув ишларини бошлаб юборишганди. Бироздан сўнг Шуҳрат ака ҳам етиб келади. Воқеа содир бўлган жойда "Зил-130" русумли юк автомашина ҳайдовчиси Ғайрат Тошпўлатов ҳам бор эди. Шу куни тушдан кейин туман электр тармоқлари корхонаси жойлашган ҳудудда Шуҳрат аканинг икки бош қорамоли ва Шамсиддиннинг хўкизи топилади.

Гап шундаки, ўғирлик содир этилган кун ҳайдовчи Ғ.Тошпўлатов йўлда кетаётганда икки нафар киши уни тўхтатади. Улар ўзларини сирдарёлик харидорлар деб таништириб, "оғайни, уч бош қорамол бор, шуларни Самарқандга олиб бориш керак. Яхшигина хизмат ҳақи тўлаймиз", дейишади. Ғ.Тошпўлатов бунга рози бўлади ва автомашинани улар кўрсатган томонга ҳайдайди.

Бир чоғ ҳалиги кимсалар:

— Шу ерда тўхтатинг, етиб келдик, — дейишади.

Ҳайдовчи машинани тўхтатади. Бу ерда уларни яна икки эркак ва бир аёл кутиб турганди. Ҳалиги кимсалар шошапиша уч бош қорамолни автомашинага юклай бошлайди. Ғ.Тошпўлатов бир четда уларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб туриб, кўнглида кутилмаганда шубҳа уйғонди: бу кимсалар молларни ўғирлаган эмасми?! Унинг кўнглидаги бу гумон аста-секин қатъий тортиб борди. Охир-оқибат у машинани ҳайдашдан бош тортади. Устига-устак у машинага чиқиб, молларнинг арқонини бўшатади ва уларни пастга туширириб юборади. Унинг важоҳатини кўриб, ҳалиги кимсалар молларни ҳам ташлаганча бир зумда аллақаёққа ғойиб бўлишди. Гап нимадалигини англаган Ғайрат Тошпўлатов тўппа-тўғри туман ички ишлар бўлимига қараб йўл олди.

Тўрт эркак ва бир аёл.

Хўш, улар кимлар эди?

* * *

Айтиш керакки, ушбу жиноий қилмиш юзасидан ички ишлар бўлими ходимлари аввал шу яқин атрофда яшовчи, гумон қилиниши мумкин бўлган шахсларни синчковлик билан ўрганиб чиқишди.

Шундай суриштирув асносида Сирдарё вилоятида яшовчи, муқаддам судланган Гавҳар Мирзақулованинг ҳаракатлари шубҳали туюлди. Буни қарангки, бу шубҳа-гумонда жон бор экан, орадан кўп ўтмай воқеалар тўла ойдинлашди. Бу уюшган жиноий гуруҳга сирдарёлик Гавҳар Мирзақулова бошчилик қилган. Унинг кўрсатмаси билан Жиззах туманида истиқомат қиладиган Толибжон Ғаниев ва Олчинбек Аббосов, Сардоба шаҳарчасида истиқомат қилувчи Меҳриддин Жабборов ва Насрулла Кубаевлардан иборат уюшган гуруҳ Шодмонали Искандаровнинг уйига аввалдан жиноий тил бириктириб, ўғрилик йўли билан бойлик орттириш ниятида киришган. Сўнгра уюшган гуруҳ аъзолари Ш.Искандаровнинг ўн бир бош қорамолини ўғирлаб, терговда аниқлаш имкони бўлмаган автомашинага ортиб, Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида яшайдиган А.Бурҳоновнинг ҳовлисига олиб боришади. Улар шу ерда Н.Бозоров деган кишига икки бош қорамолни 2 миллион 700 минг сўмга сотиб юборишади.

Шундан сўнг улар қолган тўққиз бош қорамолни Нарпай туманига олиб келиб, Б.Норчаевнинг уйида сақлаб туришади. Табиийки, меҳмонлар Б.Норчаевга молларнинг ўғирланганини айтишмайди ва унга ҳам икки бош қорамолни 1 миллион 800 минг сўмга сотиб, қолган етти бош жониворни Оқтош шаҳридаги бозорга олиб бориб, терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган кишиларга 7 миллион 200 минг сўмга сотиб юборишади.

* * *

Ғ.Ҳошимовнинг хонадонида жиноят рўй берган куни Гавҳар Мирзақулова аввалдан келишилганидек, атрофни кузатиб туради. Меҳриддин билан Насрулла эса, жиноий режани амалга ошириш учун хонадонга ўғирликка тушишади. Шундан сўнг Толибжон ва Олчинбек ўғирланган молларни сўйдириб, Пахтакор туманида жойлашган бозорда Т.Шерназаровга 2 миллион 580 минг сўмга сотиб юборишади.

Суд осон йўл билан бойлик орттириш илинжида тунлари қора шарпа бўлиб кезган судланувчилар Г.Мирзақулова, Т.Ғаниев, О.Аббосов, М.Жабборов ва Н.Кубаевларга оид жиноят ишини ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Жабрланувчилар ва ўнлаб гувоҳларнинг кўрсатмалари эшитилди. Суд Г.Мирзақулова, Т.Ғаниев, О.Аббосов, М.Жабборовларни Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми "в" банди ва 127-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топди. Судланувчи Н.Кубаев Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми "в" банди билан айбланди. Судланувчиларнинг ҳар бири қилмишига яраша озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилдилар.

Хулоса қилиб айтганда, ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтириш, қинғир йўл билан кун кечиришга одатланиш кишини эл ўртасида юзшувут қилади. Шундай экан, ҳар биримиз ҳалол меҳнат билан, виждон амрига бўйсунган ҳолда яшаш умримизга мазмун, ҳаётимизга файз ва ҳаловат бағишлашини доимо ёдда тутайлик.

Ҳалим БОЛТАЕВ,
Сирдарё вилояти Мирзаобод туман прокурори
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
журналист

G'aroyib olam

Асрлар давомида инсоният томонидан яратилган ноёб қурилмалардан бири — фавворалларнинг ҳам ўзига хос тарихи бор.

Аслида фаввора сўзи лотинча "Fountain" сўзидан олинган бўлиб, "булоқ", "манба", яъни сувнинг босим остида юқорига ёки ён тарафларга сунъий ёхуд табиий равишда оқиб туришини таъминлайдиган иншоот маъносини англатади. Фавворалар сунъий ва табиий турга бўлинади.

Биз билган ва билмаган дунё

ФАВВОРАЛАР ОЛАМИ

Айтиш керакки, фавворалардан дастлаб қадимги Рим, Греция, Миср ва Месопотамияда ичимлик суви манбаи сифатида ҳамда боғ ва экинзорларни суғориш учун фойдаланилган. Кейинчалик фавворалар шаҳар майдонлари, саройларни безаш ва ҳавони салқинлаштириш воситаси сифатида қўлланилган. Қадимги Римда бетон ва қўрғошиндан ясалган қувурларнинг ихтиро қилиниши фавворалларнинг оммалашишига кенг замин яратган.

Европада Уйғониш даврида меъморий гўзаллик тимсоли сифатида дарахт, ҳайкаллар билан бир қаторда фавворалар ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Ажабланарлиси шундаки, ўша давр меъморлари асосан, фавворалларда оқар сувнинг бадиий-эстетик жиҳатлари ва шифобахшлигини намоён қилишга эътибор қаратишган.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, тиббиёт нуқтаи назаридан фавворалар олдида сайр қилиш саломатлик учун фойдалидир. Мусаффо сув кишига ҳузур-ҳаловат бағишлаб, кайфиятини кўтаради, чарчоқни олади. Фаввора суви жилосини кузатадиган инсонларда қон айланиши ва мия фаолияти яхшиланади, асаб тизими тинчланади.

Сувнинг, хусусан, фавворларнинг ушбу хусусиятларини аждодларимиз ҳам азалдан яхши билган. XIV-XV асрлардаёқ Шарқда фавворалар меъморий мажмуаларнинг ажралмас қисми ҳисобланган. Археологик қазиш ишлари пайтида бундай иншоотлар Шаҳрисабздаги Оқсарой ва бошқа тарихий жойларда топилган. Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқанддаги Дилкушо боғида бўлган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо подшоҳ супада ўтирарди, унинг олдида эса, суви тепага отилиб турувчи фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди, деб ёзган. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидаги миниатюраларда ҳам қадимий фавворалар тасвирини кўриш мумкин.

Айтиш керакки, XVIII асрдан бошлаб Европада фавворалар, асосан, очиқ майдонларда кўпбурчак ёки доира шаклида барпо этилиб, унинг сирти қимматбаҳо мармар тошлар билан қопланган. Хусусан, ана шундай услубда барпо этилган Версалдаги "Катта канал", "Апполон" ва "Латон" фавворалари улуғворлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда дунёдаги энг баланд фаввора Қизил денгиз бўйида жойлашган бўлиб, унинг баландлиги 260 дан 318 метргача етади. Лондондаги "Букингем" фавворасининг гардиши 84 метрни ташкил этади. Роккоко услубида ишланган ушбу қурилма пуштиранг мармардан ясалган бўлиб, унинг 134 та сув отиладиган оғзи бор.

Испаниянинг Валенса шаҳрида жойлашган қайиқ кўринишидаги фавворанинг елкан ва деворлари сув пардасидан иборат бўлиб, оқшом пайтлари улар жозибадор нурлар билан ёритиб қўйилади. Сувнинг шовуллаши эса, мусиқа оҳанглари билан уйғунлаштирилган.

Австриянинг "Swarovski" компаниясининг кристалли музейида ҳам ажойиб фаввора мавжуд бўлиб, у баҳайбат одам кўринишида барпо этилган. Унинг кўзлари яшил биллур билан безатилган бўлиб, оғзидан шаршара оқиб туради.

Дубай шаҳридаги "Вулқон" фавворасi ҳам ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Айниқса, ушбу фаввора оқшом маҳали оловранг ёруғлик билан ёритилганда гўёки ер қаъридан вулқон отилиб чиқаётгандек манзара ҳосил бўлади.

Айни пайтда дунёдаги энг катта ва қимматбаҳо фаввора ҳам Дубайда жойлашган бўлиб, унинг баландлиги 152 метрдир. Уни 50 та рангли прожектор ва 6 мингдан ортиқ чироқлар ёритиб туради.

АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида бунёд этилган "Bellagio", яъни рақсга тушувчи фавворанинг баландлиги эса, 80 метрни ташкил этади. Катта техник имкониятларга эга бўлган, ушбу фавворани барпо этиш учун 40 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланган.

Женевада барпо этилган фаввора ҳам дунёдаги энг баланд иншоотлардан бири бўлиб, унинг сув оқими 140 метр баландликка кўтарилади. Бу масканга ташриф буюрувчи сайёҳларнинг фикрига қараганда, фаввора кечаси турли хил ранглар билан ёритилиб, кундузи эса, унинг атрофида улкан ва жуда гўзал камалаклар пайдо бўлиши билан кишида ажиб таассурот уйғотар экан.

Сеул шаҳридаги "Камалак" фавворасi эса, дунёдаги энг узун ва ўта жозибали фаввора ҳисобланади. Ханшуй дарёсининг икки қирғоғини боғловчи кўприк ёқасида қурилган мазкур қурилманинг узунлиги 1 140 метрни ташкил этади.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-522. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7186.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰